

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАЪМИНОТИ ИЛМИЙ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

КОРІА ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИ (КОРІА)

**БМТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ (FAO)**

ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРДА БИОДЕХҚОНЧИЛИК ХАЛҚАРО МАРКАЗИ (ICBA)

**ҚУРҒОҚЧИЛ МИНТАҚАЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ
ЎТКАЗИШ ХАЛҚАРО МАРКАЗИ (ICARDA)**

**ПРОФЕССОР АТАБАЕВА ХАЛИМА НАЗАРОВНА ТАВАЛЛУД
КУНИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИ ВА ИЛМИЙ – ПЕДАГОГИК
ФАОЛИЯТИНИНГ 67 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАР ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ”
МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ - АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

10-11 январь, 2020 йил

1-ҚИСМ

ТОШКЕНТ - 2020

1,0 га майдонга 862 г уруғ сарфлаш кифоя бўлади. Одатда фитомелиоратив тадбирларда уруғларнинг тозалиги, унувчанлиги ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, экиш меъёри 4-5 маротабагача оширилади. Шу боис, боялич уруғларидан ҳар гектар ерга 4,5-5,0 кг сарфлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Боялич экилган майдонлардан яйлов сифатида 3-нчи йилнинг кузидан бошлаб фойдаланиш тавсия этилади.

Хулосалар

1. Қарнабчўлнинг таназзулга учраган яйловлари ўсимлик қопламини қайта тиклаш ва ҳосилдорлигини оширишда боялич- (*Salsola arbuscula*) ўсимлиги истиқболли ҳисобланади.

2. Боялични Қарнабчўл шароитида экишнинг оптимал муддатлари-декабр-феврал ойлари ҳисобланади.

3. Боялич уруғларини тупрокка қадашнинг оптимал чуқурлиги 1-2 см бўлиб, бундай чуқурликка экилган уруғларнинг унувчанлиги 17-20% ни ташкил қилади.

4. Боялич ўсимлигини экиш орқали Қарнабчўл яйловлари ҳосилдорлигини 15 ц/га қуруқ массага етказиш мумкин ва яйловлардан олинadиган самарадорликни 4-5 маротабагача ошириш имконини беради.

Библиографик маълумотлар

1. Махмудов М.М. Қорақўлчилик яйловларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболли фитомелиорантларни танлашнинг асосий критерийлари // Чўл яйлов чорвачилигини ривожлантириш муаммолари мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Самарқанд, 2005, 187-189 б.

2. Шамсутдинов З.Ш. Введения в культуру пустынных кормовых растений. Ташкент, Мехнат, 1987. 177 с.

3. Отакулов Ў.Х. Яйловларни муҳофаза қилиш биохилма- хилликни сақлаш, экологик барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилдир// Яйловлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг институционал масалалари. Тошкент, 2013. 7 - 9 б.

4. Раббимов А., Ҳамроева Г. Чўл озукабоп ўсимликлари интродукцияси ва селекцияси бўйича услубий тавсиянома. Самарқанд, Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти, 2016. 42 б.

УДК: 635.64

ПОМИДОР НАВ НАМУНАЛАРИНИНГ ToMV БИЛАН ЗАРАРЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ

ОЦЕНКА УРОВНЯ ЗАРАЖАЕМОСТИ СОРТООБРАЗЦОВ ТОМАТА С ToMV

EVALUATION OF THE INFECTED DEGREE OF TOMATO VARIETIES AND SAMPLES WITH ToMV

Ш.Жабборов¹, Х.Бекмурадова², А.Исмоилов¹.

СПЭ ва КИТИ Самарқанд илмий – тажриба станцияси¹

Самарқанд ветеринария медицинаси институти²

Sh.Jabborov¹, X.Bekmuradova², A.Ismoyilov¹.

The scientific research institute of vegetable groups and potato studies in Samarkand scientific - experimental station¹.

Samarkand Institute of veterinary medicine².

Аннотация. Ҳозирги замон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида экинлар навларининг касаллик ва зарарқунандаларга чидамли бўлиши навларга нисбатан қўйиладиган асосий талаблардан бири бўлиб ҳисобланади.

Помидор озиқавий қиймати юқори, фойдали ва халқимиз севиб истеъмол қиладиган асосий сабзавот экини бўлиб ҳисобланади.

Помидорнинг вирусли мозаика (Tomato mosaic tobamovirus) касалликларига чидамли навларини яратиш учун дастлабки материални танлаш олиб борилаётган тадқиқотларимизнинг асоси бўлиб ҳисобланади.

Аннотация. Одним из основных требований к сортам в современном сельскохозяйственном производстве является устойчивость к болезням и вредителям. Томат является основной овощной культурой, который имеет высокую пищевую ценность и многоупотребляемый продукт населения. Подбор исходного материала для создания новых устойчивых к вирусной мозаике (Tomato mosaic tobamovirus) сортов томата является основной целью наших исследований.

Summary. One of the main requirements for varieties in modern agricultural production is resistance to diseases and pests. Tomato is the main vegetable crop, which has high nutritional value and a widely consumed product of the population. The selection of source material for the creation of new tomato mosaic tobamovirus resistant varieties of tomatoes is the main goal of our research.

Калит сўзлар: Сабзавотчилик, ҳосилдорлик, нав, вирус касалликлари, дастлабки материал, танлаш, етиштириш шароити.

Ключевые слова: Овощеводства, урожайность, сорт, вирусные болезни, исходный материал, отбор, условия выращивания.

Keywords: vegetable growing, productivity, sort, viral diseases, raw material, selection, growing conditions.

Кириш. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий шартларидан бири маҳаллий шароитларга мос, юқори ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга чидамли ва маҳсулотнинг сифати бўйича жаҳон талабларига мос навларни яратиш билан боғлиқ. Помидор республикамізда етиштириладиган энг оммабоп ва етакчи сабзавот экинларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Сабзавот экинларининг касалликлари улардан олинadиган ҳосилдорликни ва маҳсулот сифатини кескин пасайтирадиган асосий сабаблардан биридир [1; 16 б].

Кейинги йилларда помидор вирус касалликларининг кенг тарқалиши ва келтирадиган зарари сезиларли даражада ошди. Айниқса помидорнинг вирусли мозаика (Tomato mosaic tobamovirus) касалликлари шулар жумласидан [1; 116б]. Маълумки, экинни ўсув даврининг бошида Tomato mosaic tobamovirus билан зарарланиши деформацияланган мевалар, ўсимлик қисмларининг нобуд бўлиши ва уларнинг ўсишининг секинлашиши ҳисобига ҳосилдорликни 50% камайишига олиб келади [3; 180б].

Ўзбекистонда помидорнинг мозаика вируси (tobacco mosaic virus – tobamovirus), шу билан бирга картошканинг Х-вируси (potato virus X-potexvirus), Y вируси (potato virus Y – potyvirus), бодринг мозаикаси вируси (cucumber mosaic virus-cucumovirus), беда мозаикаси вируси (alfalfa mosaic virus) кенг тарқалган [2; 61б].

Касалликларга қарши кураш усулларининг ўзига яраша қийинчиликлари мавжуд бўлиб, шунинг учун ҳам республика аҳолисини сифатли помидор маҳсулоти билан таъминлаш мақсадида янги касалликларга чидамли навларни яратиш мақсадга мувофиқ бўлиши билан биргаликда таннархни пасайтириш ва рентабелликни ошириш имконини беради

Помидор селекциясининг бу йўналишида олиб борилаётган тадқиқотлари ўз навбатида энг долзарб бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари. Помидорнинг танлаб олинган нав намуналари ичидан вирусли мозаика (Tomato mosaic tobamovirus) га чидамлиларини баҳолаш ва танлаш, дурагайлаш ва селекция жараёнида танлаб олинган чидамли

намуналардан ва дурагайлардан ушбу касалликларга чидамли помидор нав ва дурагайларини яратишда фойдаланишдан иборат.

Тадқиқотларни ўтказиш услуби. Фенологик кузатишлар, биометрик ўлчовлар ва махсулдорликни аниқлаш “Методические указания по селекции сортов и гибридов томата для открытого и защищенного грунта”. (М., 1986) методикаси бўйича, касалланиш ва зарарланиш даражаси “Методы фитопатологических и энтомологических исследований растений в селекции растений (Ю.Н.Фадеева) М. 1977” методикаси бўйича, математик ишлов бериш Доспехов (1985) дала тажрибалари услуби асосида амалга оширилди.

Кутилаётган натижалар ва уларнинг таҳлили. Олиб борилаётган тажрибалар объекти бўлиб помидорнинг Ўзбекистон, Россия, Туркия, Голландия, Италия, Франция, Америкадан келтирилган нав намуналари хизмат қилди.

Биринчи йили ўрганилган 25 та нав намуналарининг касаллик билан зарарланиш даражаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биологияси институти ходимлари билан ҳамкорликда индикатор усулидан фойдаланиб аниқланганда, касалликка чидамли деб ҳисобланган ва ажратиб олинган нав намуналарида баҳолаш ишлари давом эттирилди. Бу нав намуналарининг уруғларини сунъий зарарлантириш мақсадида касалланган ўсимлик барги ширасидан олинган зардобда ивителиб [1; 29 б], нишлаган уруғлар пленка остига экилди. Гуллаш фазасининг бошланишида касалланган ўсимлик барги ширасидан олинган зардоб билан пуркагич орқали сепиш ёрдамида ва зарарланган ўсимликка ишлов берилган асбоб ускуналар (скальпель, қайчи) ёрдамида ўсимлик танаси ва баргини шикастлантириш орқали зарарлантирилди.

Тажрибаларда ўрганилаётган помидор нав намуналарининг уруғлари парникка 19 март куни экилди. Униб чиқиш 21 мартда кузатилди. Чинбарг чиқариш асосан 26 - 28 мартга тўғри келди. Кўчатлар далага 9 май куни ўтказилди.

Тадқиқотларда ўрганилган нав намуналари ичидан визуал баҳолаганда касаллик белгиларининг пайдо бўлиши Севара (1,1%) ва Султон намунасида (1,8%) мева тугишнинг бошланиш фазаларида ва пишиш фазаларида (нисбатан 6,1% ва 7,3%) кузатилди. Бунда ўсимликларнинг учки баргларида нотекис барг хлорози ҳосил бўлди.

Дархон, ТМК – 22, Финиш, Агро, Твенид, Ложайн, Перст намуналарида касаллик симптомлари кузатилмади.

Коллекцион питомникда ўрганилаётган помидор нав ва дурагайларининг ТоMV билан зарарланиш динамикаси

№	Нав дурагайлар ва	Вегетация даври давомида зарарланиш динамикаси, %				Умумий зарарланиш, %
		чинбарг чиқариш, %	Гул-лаш, %	мева тугиш бошланиши, %	Пишиш, %	
1	Дархон	-	-	-	-	-
2	Севара	-	-	1,1	6,1	7,2
3	ТМК – 22	-	-	-	-	-
4	Финиш	-	-	-	-	-
5	Султон F ₁	-	-	1,8	7,3	9,1
6	Агро	-	-	-	-	-
7	Твенид	-	-	-	-	-
8	Ложайн F ₁	-	-	-	-	-
9	Перст	-	-	-	-	-
10	Волгоград (st)	-	1,6	9,1	4,2	14,9

Тажрибаларда ўрганилган помидор нав намуналари орасидан касалликлар билан зарарланмаган нав намуналарида юқори товарбонлик ва ҳосилдорлик кузатилди. Помидорда бундай намуналар қаторига Дархон, ТМК – 22, Финиш, Агро, Твенид,

Ложайн, Перст намуналарини киритиш мумкин. Шу билан бирга ушбу нав намуналарида рентабеллик даражасининг ҳам юқори бўлганлиги кузатилди.

Хулосалар. Самарқанд вилояти шароитида янги навларни яратиш учун помидорнинг вирусли мозаика (tomato mosaic tobamovirus) касалликларига чидамли дастлабки материални яратиш мавзусидаги тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Кейинги тажрибаларда помидорнинг Дархон, Севара, ТМК – 22, Финиш, Султон F₁, Агро, Твенид, Ложайн F₁, Перст нав намуналарида баҳолаш ишлари давом эттирилади ва янги навларни яратишда дастлабки материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ахатова А.К., Джалилова Ф.С. Защита овощных культур от болезней. Москва. 2006. стр.29 / 116
2. Kadirova Z.N., Mavlyanova R.F., Silvya K. Green. Survey and diagnosis of viruses infecting vegetables, World conference, 11-15 June 2007, Urumchi, China. P 61
3. Станчева Й. Атлас болезней сельскохозяйственных растений. Т.1. болезни овощных культур. София-Москва. 2005. 180 стр.
4. Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны) Л., 1977. 23 с.
5. www.tomat-pomidor.com/

УДК: 633.14:631.82:631.51:631.55.

КУЗГИ ЖАВДАРНИНГ ҚИШГА ЧИДАМЛИЛИГИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА МАЪДАН ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ СРОКОВ ПОСЕВА И МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА ЗИМОСТОЙКОСТЬ И УРОЖАЙНОСТЬ ОЗИМОЙ РЖИ.

IMPACT OF SOWING DATES AND MINERAL FERTILIZERS ON PRODUCTIVITY AND RESISTANCE OF WINTER RYE IN SAMARKAND REGION

В.И.Исмоилов таянч докторант, А.Х.Ҳамзаев, қишлоқ хўжалик фанлари доктори,
профессор

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

В.И.Исмоилов базовый докторант, А.Х.Ҳамзаев, доктор сельскохозяйственных наук,
профессор

Самаркандский институт ветеринарной медицины

V.I.Ismoilov Ph.D Student, A.Kh.Hamzayev, Doctor of Agricultural Sciences, professor
Samarkand Institute of Veterinary Medicine

Аннотация: Ушбу мақолада кузги жавдарнинг Самарқанд вилояти шароитида қишга чидамлилиги ва ҳосилдорлиги экиш муддатлари ва маъдан ўғитларнинг таъсири юзасидан олинган тадқиқот натижалари баён этилган.

Аннотация: В статье приводятся результаты исследований на о влиянии сроков посева и минеральных удобрений на урожайность и зимостойкости озимой ржи в условиях Самаркандской области,

Abstract. This article summarizes the results of research on the timing and sowing effects of winter resistance and productivity of winter rye in Samarkand province.

Калит сўзлар: Кузги жавдар, “Шалола”, нав, ҳосилдорлик, қишга чидамлилик, экиш муддати, маъдан ўғит.

Ключевые слова: Озимая рожь, “Шалола”, сорт, урожайность, зимостойкость, сроки посева, нормы, минеральных, удобрений.

Бaysariyeva Ch.U, Abdullayeva Yu.U. СУРХОНДАРЁНИНГ ТАҚИР ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗАНИ ПАРВАРИШЛАШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИДА ҚЎШИМЧА ОЗИҚАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	
Болтаев С.М., Абдурахимов Н., Абдиназаров Ж., Турдиев Б. ЎСИШНИ РОСТЛОВЧИ “MICROZYUM-2” БИОСТИМУЛЯТОРИНИНГ ЕРЁНҒОҚ НАВЛАРИНИНГ БИОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИ	105
Худайкулов Ж.Б. ЕРЁНҒОҚ НАВЛАРИ РИВОЖЛАНИШ ДАВРЛАРИ ДАВОМИЙЛИГИНИНГ МАЪДАНЛИ ОЗУҚА БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИГА БОҒЛИҚЛИГИ	108
Худайкулов Ж.Б. ЕРЁНҒОҚ НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ОЗИҚЛАНИШ МАЙДОНИНИНГ ТАЪСИРИ	113
Ачилов Ф.С., Еримбетова Ж.Б., Эргашева Н. ЕРЁНҒОҚ ДАЛАЛАРИДА БЕГОНА ЎТЛАРГА ҚАРШИ ГЕРБИЦИД Қўллашнинг таъсири	119
Х.Н.Атабаева., Ачилов Ф.С., Еримбетова Ж. ЕРЁНҒОҚ НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА Қўлланилган “ГЕЗАГАРД- 50” ГЕРБИЦИДИ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ	123
Ачилов Ф.С., Еримбетова Ж., Мўминова В. ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚИ-СОЗ ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИДА ЯНГИ ДЕФОЛИАНТЛАРНИНГ САМАРАДОР МЕЪЁРЛАРИНИ АНИҚЛАШ	126
М.М.Убайдуллаев СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ТАКРОРИЙ МУДДАТЛАРДА ШИРИН ҚАЛАМПИР ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	129
Қорабоев Т.А., Эшбоев Н.Х. ШИРИН ҚАЛАМПИРНИНГ НАВ НАМАУНАЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИ ШАРОИТИДА ЎРГАНИШ НАТИЖАЛАРИ	131
Қорабоев Т.А., Нурматов Н.Ж., Аллаёров Ў.С. ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА АРТИШОКНИНГ МОРФОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	134
Алиев Б.Х., Арамов М.Х., Худоёрова С. КАРТОШКАНИНГ ЯНГИ «ФЕРУЗА» НАВИНИ ЕТИШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ	137
Ҳасанов М.А., Эргашев И.Т. БОЯЛИЧ – (SALSOLA ARBUSCULA) НИ ҚАРНАБЧЎЛ ШАРОИТИДА ЕТИШТИРИШ Йўллари	141
Бобаева А.С. ПОМИДОР НАВ НАМУНАЛАРИНИНГ ТоMV БИЛАН ЗАРАРЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ	145
Жабборов Ш., Бекмурадова Х., Исмоилов А. КУЗГИ ЖАВДАРНИНГ ҚИШГА ЧИДАМЛИЛИГИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ҲАМДА МАЪДАН Ўғитларнинг таъсири	147
Исмоилов В.И., Ҳамзаев А.Х. БАҚЛАЖОННИНГ ИСТИҚБОЛЛИ, ЭРТАПИШАР, БЎРТМА НЕМАТОДАСИГА ЧИДАМЛИ ЯНГИ НАВЛАРИ	150
Наджиев Ж.Н., Эргашев Б.А., Норсаидова З.Ж. БАҚЛАЖОННИНГ ЭРТАПИШАР F ₁ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ГЕТЕРОЗИСЛИК САМАРАДОРЛИГИ ВА БЎРТМА НЕМАТОДАСИГА ЧИДАМЛИЛИГИ	154
Наджиев Ж.Н., Арамов М.Х., Тураев Д.Ш.	157